
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ҚАРОРИ

135 Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматта оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2569

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ−2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга ҳаратилган норматив-ҳуҳуҳий ва бошҳа ҳужжатларни ишлаб чиҳиш режаларини тасдиҳлаш тўгрисида»ги ҳарорига (Ўзбекистон Республикаси ҳонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) мувофиҳ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ичҳи ишлар вазирлиги ва Миллий ҳавфсизлиҳ хизмати ҳарор ҳилади:

1. Реабилитация этилган харбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия





11 (615)-сон — 95 — 135-модда

олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўгрисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### Бош прокурор

Р. КОДИРОВ

Тошкент ш., 2014 йил 4 март, 4-к/к-сон

# Мудофаа вазири

к. бердиев

Тошкент ш., 2014 йил 4 март, 5-сон

# Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 4 март, 5-сон

# Миллий хавфсизлик хизмати раиси

Р. ИНОЯТОВ

Тошкент ш., 2014 йил 4 март, 21-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.

135-модда

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-к/к, 5, 5, 21-сонли қарорига ИЛОВА

Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўгрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ—2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга ҳаратилган норматив-ҳуҳуҳий ва бошҳа ҳужжатларни ишлаб чиҳиш режаларини тасдиҳлаш тўгрисида»ги ҳарорига (Ўзбекистон Республикаси ҳонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) мувофиҳ, реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчиларнинг ҳизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошҳа шахсий ҳамда мулкий ҳуҳуҳларини тиҳлаш ва уларга етказилган мулкий зиённи ҳоплаш, маънавий зиён оҳибатларини бартараф этиш тартибини белгилайди.

# I боб. Умумий қоидалар

- 1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади.
  - 2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**реабилитация** — қонунга хилоф ёки асоссиз равишда жиноий таъқиб қилинган ҳарбий хизматчининг маҳрум этилган ёки чекланган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда етказилган зарарни қоплаш;

реабилитация этилган ҳарбий хизматчи — қонунга хилоф равишда ҳукм қилинган, ушлаб турилган, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланган, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинганлиги туфайли вазифасидан четлаштирилган ёхуд тиббий муассасага жойлаштирилганлиги натижасида унга етказилган мулкий зарарнинг ундирилишини ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга булган ҳамда ҳуқуқ ва эркинликлари тикланган ҳарбий ҳизматчи;

**мулкий зиён** — ҳарбий хизматчига ҳарши содир этилган ҳонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) оҳибатида етказилган моддий зарар;

**маънавий зарар** — ҳарбий хизматчига қарши содир этилган қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган)



маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний огрик, зарар куриш, нокулайлик ва бошка) азоб:

**бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлар** — ҳарбий хизматчининг ҳарбий ва бошқа унвонлари, давлат мукофотлари ва бошқа ҳуқуқлари.

3. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчи ҳизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шаҳсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклашни ҳамда ўзига етказилган мулкий зиённи қоплаш ва маънавий зарар оқибатларини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### II боб. Реабилитация асослари ва окибатлари

# 1-§. Асосий қоидалар

- 4. Оқлов хукми, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар ҳарбий хизматчини реабилитация этишга асос бўлади.
- 5. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тикланиши, унга етказилган мулкий зиён қопланиши ва маънавий зарар оқибатлари бартараф этилиши лозим.
- 6. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчи вафот этган тақдирда, унинг меросҳурлари ва боқувчисини йуҳотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим булганлар жумласига кирувчи оила аъзолари ҳарбий ҳизматчининг ҳуҳуҳларини тиклаб беришни сураб тегишли органга ёки судга мурожаат ҳилиш ҳуҳуҳига эга.
- 7. Ваколатли орган мурожаатни куриб чиқиш жараёнида тегишли таш-килотлардан мурожаат юзасидан зарур хужжатларни талаб қилиб олиш хуқуқига эга.
- 8. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчининг ҳизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шаҳсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ҳамда ўзига етказилган мулкий зиённи қоплаш ва маънавий зарар оқибатларини бартараф этиш бўйича мурожаати, шунингдек унинг меросҳўрлари ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзоларининг ҳарбий ҳизматчининг ҳуқуқларини тиклаб бериш бўйича мурожаатлари ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

# 2-§. Харбий хизматчининг хизматга оид хукукларини тиклаш

9. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчи илгари хизмат ҳилган жойига (лавозимига) тикланиши лозим.

Харбий қисм ёки муассасанинг тугатилганлиги ёхуд қонунда назарда



135-модда тутилган бошқа асослар уни олдинги хизмат қилган жойига (лавозимига) тиклаш имкониятини бермаган такдирда, харбий хизматчи аввалгисига тенг

бошка хизмат жойига (лавозимига) тикланиши лозим.

- 10. Харбий таълим муассасасидан четлаштирилган харбий хизматчи илтимосига кура укишга тикланиши шарт.
- 11. Ваколатли органнинг реабилитация этиш буйича қарори кучга киргандан сўнг, харбий хизматчи олдинги хизмат қилган жойига (лавозимига) ёхуд шунга тенг бошқа хизмат жойига (лавозимига) тиклаш ваколатига эга булган органга ёки судга мурожаат қилади.
- 12. Реабилитация этилган харбий хизматчининг қонунга хилоф равишда эхтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланған, жазо ўтаган, лавозимидан четлаштирилганлиги туфайли хизмат қилмай юрган ва тиббий муассасада сақланган вақти умумий хизмат ва ихтисослик буйича хизмат даврига охирги лавозимига мутаносиб равишда хисоблаб қушилади.
- 13. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг мурожаатига ҳамда ваколатли органнинг харбий хизматчини реабилитация этиш тўгрисидаги кучга кирган қарорига асосан, тегишли орган томонидан ҳарбий хизматчини олдинги хизмат жойига (лавозимига) ёхуд шунга тенг бошқа хизмат жойига (лавозимига) тиклаш ҳақида буйруқ чиқарилади. Мазкур буйруқда харбий хизматчини харбий хизматдан бушатиш (лавозимдан четлаштириш) хақидаги буйруқнинг бекор қилинганлиги хам курсатилади.

# 3-§. Харбий хизматчининг пенсия олиш хуқуқини тиклаш

- 14. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг, башарти у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсия олиш хукукига эга булса, пенсия олиш хукуки тикланиши шарт.
- 15. Ваколатли органнинг реабилитация этиш буйича қарори кучга киргандан сўнг, харбий хизматчи пенсия олиш хукукини тиклаш юзасидан тегишли ваколатли органга ёки судга мурожаат қилади.
- 16. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг пенсия олиш ҳуқуқини тиклаш тегишли ваколатли органнинг харбий хизматчига конун хужжатларига мувофик пенсия тайинлаш тўгрисидаги буйруги билан расмийлаштирилади.

# 4-§. Харбий хизматчининг уй-жойдан фойдаланиш хукукини тиклаш

17. Қонун хужжатларига хилоф равишда хукм этилганлиги ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилганлиги туфайли уй-жойдан фойдаланиш хуқуқидан махрум булган реабилитация этилган харбий хизматчига илгари у эгаллаб турган уй-жой қайтариб берилади, башарти уни қайтариб беришнинг имкони булмаса, уша ахоли пунктининг узида аввалгисига тенг қулайликларга эга бўлган уй-жой берилади.



- 18. Ваколатли органнинг реабилитация этиш буйича қарори кучга киргандан сунг, ҳарбий ҳизматчи уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш юзасидан олдинги ҳизмат қилган жойига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.
- 19. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчининг уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш тегишли ваколатли органнинг ҳарбий ҳизматчини қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой билан таъминлаш тўгрисидаги қарори билан расмийлаштирилади.

# 5-§. **Харбий хизматчининг бошқа шахсий хамда** мулкий хуқуқларини тиклаш

- 20. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг ҳарбий ва бошқа унвонлари тикланади ҳамда давлат мукофотлари қайтарилади.
- 21. Ваколатли органнинг реабилитация этиш буйича қарори кучга киргандан сунг, ҳарбий хизматчи ҳарбий ва бошқа унвонлари тикланиши, давлат мукофотлари қайтарилиши юзасидан судга мурожаат қилиши мумкин.

Қонунга хилоф равишда қабул қилинган хукмга асосан ҳарбий унвонидан маҳрум қилинган ҳарбий хизматчини реабилитация қилиш ёки ноқонуний қарорни бекор қилиш ҳақида суднинг қарори кучга киргандан кейин ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвонидан маҳрум қилинган кундаги унвони тикланади.

22. Суднинг реабилитация қилинган ҳарбий хизматчини аввалги ҳарбий унвонига тиклаш учун асос булувчи қарорига асосан, тегишли орган томонидан ҳарбий хизматчини аввалги ҳарбий унвонига тиклаш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилади ҳамда тегишли вазирлик ёки идорага юборилади.

Бунда ҳарбий ҳизматчини аввалги ҳарбий унвонига тиклаш мазкур ҳарбий унвонни бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

- 23. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг давлат мукофотларига нисбатан ҳуқуқлари суд қарори асосида тегишли органларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мукофотлари тўгрисида»ги Қонунида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 266-модда) белгиланган тартибда тикланиши мумкин.
- 24. Ваколатли органнинг реабилитация этилган харбий хизматчининг харбий ва бошқа унвонларига хамда давлат мукофотларига нисбатан хуқуқларини тиклаш тўгрисидаги хужжатида харбий хизматчини харбий ва бошқа унвонлардан хамда давлат мукофотидан махрум қилиш хақидаги хужжатнинг бекор қилинганлиги ҳам кўрсатилади.
- 25. Харбий ва бошқа унвони ҳамда давлат мукофотларига нисбатан ҳуқуқлари тикланган ҳарбий ҳизматчи қонун ҳужжатларида ушбу унвон ва давлат мукофотлари учун белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланади.



# 135-модда

# 6-§. Харбий хизматчига етказилган мулкий зиённи коплаш ва маънавий зарар окибатларини бартараф этиш

- 26. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчига етказилган мулкий зиён қопланади ва маънавий зарар оқибатлари бартараф этилади.
- 27. Харбий хизматчига етказилган қуйидаги мулкий зиёнлар тегишли вазирлик ёки идоралар томонидан тула ҳажмда қопланиши зарур:
- а) реабилитация этилган ҳарбий хизматчи ўзига нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган пул таъминоти ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ бошқа даромадлар;
  - б) пенсия ва нафақалар, башарти уларни тулаш тухтатиб қуйилган булса;
- в) пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;
- г) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;
- д) суд хукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чиқимлари;
- е) юридик ёрдам кўрсатилиши учун ҳарбий хизматчи томонидан адво-катлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга хилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаражатлар.
- 28. Реабилитация этилган ҳарбий ҳизматчи вафот этган тақдирда, маз-кур Низомнинг 27-банди «а», «в», «г», «д» ва «е» кичик бандларида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига унинг меросҳўрлари, «б» кичик бандида назарда тутилган зиённи ундириш ҳуқуқига эса, боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари эга бўладилар.
- 29. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра чиқарилган оқлов хукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримда (қарорда) суд, ишни тугатиш тўгрисидаги қарорда эса терговчи, прокурор реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг ўзига етказилган мулкий зиённи ундириб олиш ҳуқуқини эътироф этишлари лозим. Ҳукм, ажрим ёки қарорнинг нусхаси реабилитация этилган ҳарбий хизматчига топширилади ёки почта орқали юборилади. Айни вақтда унга ҳукм, ажрим ёки қарор устидан шикоят қилиш тартиби, шунингдек мулкий зиённи қоплаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаб олиш тартиби тушунтирилади.
- 30. Реабилитация этиш тўгрисида қарор чиқарган суд, прокурор ёки терговчи реабилитация этилган ҳарбий хизматчидан ариза тушган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан мулкий зиён миқдорини аниқлай-



ди, зарурат туғилганда бунинг учун тегишли вазирлик ва молия органларидан хисоб-китоб талаб қилиб олади. Иш кассация ёки назорат тартибида куриш чоғида суд томонидан тугатилган булса, зиён микдорини хукм чиқарган суд мазкур Низом ва бошқа қонун хужжатлари талаблари асосида аниклайди.

31. Мулкий зиённинг микдори хисоблаб чикарилганидан кейин бу зиённи коплаш учун пул туловларини амалга ошириш туррисида суд ажрим, терговчи ёки прокурор карор чикаради.

Ажрим ёки қарорнинг нусхаси гербли мухр билан тасдиқланиб, тўловни амалга ошириши лозим бўлган органларга такдим этиш учун реабилитация этилган ҳарбий хизматчига, у вафот этган бўлса, ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган шахсларга берилади ёки юборилади.

- 32. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда) 1021-моддасига мувофик, зарар харбий хизматчига уни қонунга хилоф тарзда хукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш хақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши лозим.
- 33. Маънавий зарар пул билан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдори реабилитация этилган ҳарбий хизматчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига қараб суд томонидан аниқланади.

Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

- 34. Маънавий зарар туланиши лозим булган мулкий зарардан қатъи назар, қопланади.
- 35. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчи ушлаб турилганлиги, ҳамалганлиги, лавозимидан четлаштирилганлиги, тиббий муассасага жойлаштирилганлиги ёки ҳукм ҳилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан чиҳарилган буйруҳ орҳали эълон ҳилинган, радио, телевидение ёки бошҳа оммавий ахборот воситалари орҳали тарҳатилган булса, реабилитация этилган ҳарбий хизматчининг, у вафот этган булса, ҳариндошларининг, суд, прокурор, терговчининг талабига ҡура тегишли ваколатли орган ҳамда оммавий ахборот воситалари унинг реабилитация этилганлиги турисида бир ой ичида хабар беришлари шарт.

# III боб. Якуний қоидалар

- 36. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар булади.
  - 37. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Фавкулодда



135-136-моддалар

**— 102 —** 

11 (615)-сон

вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси билан келишилган.

Олий суд раиси

Б. МУСТАФАЕВ

2014 йил 3 март

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2014 йил 3 март

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2014 йил 3 март

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

2014 йил 3 март